

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● ҲАММА ЕРДА ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРИБ ЮБО-
РАЙЛИК ● ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ УТНАЗИБ, МАШИНАЛАРНИ ТЕЗРОҚ
ИШГА ТУШИРАЙЛИК ● ҲАР БИР КҮН ҒАНИМАТ!

БУТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 181 (4640).

13
СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА
1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.


ЯНГИНУЛ. («Тошкент ҳа-
жикати» муҳбиридан). Ўзбекистон
номли колхозда иш қилган.
Деҳқонлар йил бўйи фидокорона
меҳнат қилиб етиштирган
ҳосилни тезда йиғиб-териб
олишга ҳаракат қилмоқдалар.
Бригадалар ва теримчилар
ўртасида ҳосилни тез ва соз
йиғиштириб олиш юзасидан
бошланган мусобақа кенг аяқ
олди. Колхозчилар пахта тай-
ерлаш пиланини 25 иш кунда
бажариш учун ҳаракат қили-
шяпти. Бу ерда ҳосилнинг 75
проценти машиналар ёрдами
билан йиғиштириб олишди. Ҳо-
зир машина ишлайдиган экин
майdonлари дефолиация қилиб
бўлинди. Ўзга барги сунъий
равнида туширилиши билан

ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР

машина теримига киришмоқда.
Теримда 18 та «зангори ке-
ма» ишлайди.
Ҳўжаликда машина терими-
га тайёргарлик кўриш билан
бирга, техника ишлатилмай-
диган майdonлардаги ҳосилни
йиғиштириб олиш қизғин тус
олди. Айниқса, Номоз Расу-
лов, Файзулла Оқийитов, Эр-
нат Мамедов бошлиқ бригада-
ларда иш ихсин кетиюқда. Ку-
ндalik терилган «оқ олтин»
пешма-пеш қуритилиб, тайёр-

лов пунктларига жўбатилает-
ти. Илгор бригадалар терим
суръатини кўндал-кўнга оши-
риб, йиллик пиланини 1,5 про-
центида етказиб пахта тошлар-
моқдалар.
Барака ҳосилини уюшқон-
лик билан йиғиштириб олишда
ўйлаб-қўйилган ғайрат кўр-
сатишмоқда. Кундалик терим
нормаларини ошириб бажара-
ётган колхозчиларини ҳар бир
бригада ва звенода уратиб
шумкин. Дилдор Отабоева,

Иззат Исроилова, Уғилбой Оху-
нова каби колхозчилар ўтган
йили мавсумда ўн минг кило-
граммга етказиб пахта терим-
ган эди. Эндиликда уларнинг
ҳар бири 12 минг килограмм-
дан ошириб «оқ олтин» териб
беришга ваъда беришган. Улар
ҳозир кунига 100 килограмм-
дан пахта термоқдалар.
— Ўзга, дейди колхоз ра-
иси Қўчқорбой Боймурзаев, —
вагонларни рағбатлантириш
учун барча чораларни кўрай-
миз. Йиғим-терим ҳар беш
кунда жаъулашиб боришмоқда.
Теримча аёлларини учун бар-
ча шароитларни яратиб бер-
дик. Болалар боғчаси ташкил
этилди. Марказий болалар ис-
лиси ишлаб турибди.



БҲКА районидagi «Кўнорол» совхози меҳнаткорлари об-
ластда биринчилар қатори пахтани машиналар билан теримга киришди.
Суратда: С. Расулов бошлиқ бригада даласида машина терими пай-
ти. А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

ҚОЗОГИСТОНДА ЎЗБЕК
АДАБИЙТИ ВА САҢЪАТИ
ДЕКАДАСИ

БУЮК АБАЙ ЮРТИДА

Декада қатнашчиларини Семи-
палатинскда элтаётган тезкорлар
«Беларусь» катери шаҳарга яқин
лашганда кузги совуқ ёмғир
бошланди. Офтоб чиркишга би-
рон нишона йўқдек эди. Аммо
«Беларусь» дарё вокзалига лан-
гар ташлар-ташламас Иртиш
соҳили ранго-ранг гулларга,
транспарантларга тўлиб кетди.
Бу ерга келган оркестрдан ўзбек
оҳанглари тарала бошлади. Ва-
танимиз халқларининг миллий
дибосини қийган кизлар Ўзбеки-
стон вақилларига юмшоқ нон ту-
тишди. Шу учрашув офтобдан
ҳам иссиқроқ қизитди. Меҳмон-
ларнинг бошларидан гуллар ни-
сор этишди. Ҳозир бу гуллар бу-
юк Абайнинг юртида яшаш тў-
рибди, бу гуллар Абай тугилган
заминни асантириб турибди. Шу
ерга сургун қилинган Достоев-
ский билан боғлиқ бўлган жамия
ларсаларни эъзозлаб сақлаб не-
моқдалар.

Ўзбекистон адабиёти ва санъ-
ати намояндалари маърифатлар-
вар ширининг музофони атраф
қилишди. Ўзбекистон Назир Сафаров
Абай шеърларини ўқиди.

Меҳмонларга нодир китобни —
Абайнинг Совет ҳокимияти йил-
ларида чиққан асарларининг би-
ринчи тўпламини кўрсатишди.
Бу тўплам 1922 йилда Тошкент-
да нашр этилган эди.

Семипалатинскдаги тўртта
олий ўқув юртининг студентла-
ри, шаҳардаги ижодкор зиёндар,
фабрикаларнинг ишчилари билан
бўлган учрашуларда кўндал-кўн
шеърлар янграб турди. Бу шеър-
ларни ўзбек ва қозоқ шоирлари,
бадний ҳаваскорлик тўғрисида
қилинган иштирокчилари ўқиди.
Ватанимиз, Совет мамлакатини хал-
қларнинг дўстлигини улуғловчи
музыка ва кўшиқ шеърларга жўр
бўлиб турди.

Ана шу дўстлиқнинг шундай
риштаси борки, бу ривиз Абай
ватани ва Ўзбекистонни бир-бири
билан боғлаб туради. Семипала-
тинскдаги Абайнинг қўли билан
ёзилган китобни, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони Н. Е.
Морозов тантанали кечада шу
ҳақда гапирди.

Бизни Ўзбекистон билан
боғлаб турадиган бу ривиз
ердаги қорхоналарда қайтадан иш-
ланадиган пахта ҳамдир, об-
ласт далаларида ишлаб турган
Тошкент заводаларининг трактор-
лари ҳамдир. Лекин булардан
энг муҳими қалбларимизнинг ҳа-
воратидир. 1966 йилда Тошкент
учун оғир бўлган кунларда се-
мипалатинскдаги қалби тош-
кентлик юзлаб болаларни ўз ҳа-
ворати билан иситиб турди. Ир-
тишдаги шаҳарда бу болалар
яшаб, ўқийди, дам олишди. Ҳуд-
ди ана шу пайтда Семипалатинск-
дан борган биринкорлар Тошкент-
да уй-жойига туҳфа қилиб қол-
масдан, балки энг ақойиб ҳа-
воратини — инсон қалбидан ҳа-
воратини ҳам бахтида этишарди.
С. ФРОЛОВА,
ЎзТАГ махсус муҳбири

ПАХТА ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА КҮЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети, Ўзбеки-
стон ССР Олий Совети Прези-
диуми ва республика Министр-
лар Совети пахта терим ва
даллатта сотиш юзасидан об-
ластлар, районлар, совхозлар
ва колхозлар ўртасидаги соци-
алистик мусобақанинг 1972
йили 11 сентябргача бўлган
яқунларини қараб чиқдилар.
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети, Ўзбеки-
стон ССР Олий Совети Прези-
диуми ва республика Министр-
лар Советининг кўчма Қизил
байроқлари Қашқадарь, Бухоро
областларига, Қашқадарь
областининг Ўзгир, Бухоро об-
ластининг Қорақўл, Сурхон-
дарьобластининг Теранга, Қаш-
қадарьобластининг Қўрғанида
Узлов районларига, Қашқа-
дарьобласт Узлов районига;
«Қашқадарь» совхозига,
Сурхондарьобласт Шеробод
районининг Қўрғанида «Дўст-
лик» совхозига, Қашқадарь об-
ласт Ўзгир районидagi К.
Маркс номли колхозга берил-
ди.

ИЛҒОР САБЗА- ВОТКОРЛАРГА КҮЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети, Ўзбеки-
стон ССР Олий Совети Прези-
диуми ва республика Министр-
лар Совети давлатта сабзавот-
подиз маҳсулотлари ва картош-
ка сотиш юзасидан об-
ластлар, районлар, колхозлар
ва совхозлар ўртасидаги социалистик
мусобақанинг 1972 йил 1 сен-
тибргача бўлган яқунларини
қараб чиқдилар.
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети, Ўзбеки-
стон ССР Олий Совети Прези-
диуми ва республика Министр-
лар Советининг кўчма Қизил
байроқлари Наманган об-
ластига, Самарқанд об-
ластининг Самарқанд, Андижон
областларига, Ленин районидagi
«Правда Востока» колхозига,
Фарғона об-
ласт Фарғона рай-
онидagi Ленин номли совхозга
ва Тошкент об-
ластининг Охан-
гарон районидagi 1-Оханга-
рон совхозига берилди.



Пискент районидagi Калинин номли колхоз деҳқонлари пахта теримини қизғин олиб боришмоқда. Кўпмингкилограммчи теримчилар ҳар кун эл хирмо-
нига қўлаб «оқ олтин» тўқиймоқда. Суратларда: колхознинг илгор меҳнат хайдовчи ва теримчиларидан Т. Нўлдосева, К. Нурматова, Ю. Мустафоев,
Т. Темировлар.

САБЗАВОТКОРЛАР ЮТУҒИ

Калинин районидagi «Моск-
ва» колхози сабзавоткорлари
Узгир социалистик мусобақани
анж олдириб юқори кўрсаткич-
ларга эришмоқдалар. Улар об-
ластда биринчи бўлиб, худда-
лик олдиди давлатта сабзавот
сотиш пиланини ошириб адо
эдилар. Ҳозир колхозда саба-
завот терим ва давлатта тоши-
риш қизғин давом эттирилмоқ-
да.

ЛУБҚОРЛАР ҒАЙРАТИ

Ўрта Чирчиқ районидagi
Охунбобоев номли колхознинг
«кўк олтин» усталари қановдан
мўл ҳосил етиштиришди.
3200 тонна қанов пойс со-
тиш мажбуриятини олган кол-
хознинг лубқорлари қанов
ўрди-йиғимига биринчи бўлиб
эришган эдилар.
Қанов ўрди-йиғими, айниқса
Канов Советининг депутаты ўр-
тоқ Абдухалим Мирҳамедов
бошлиқ 9-бригадада. Шоймар-
дон Кўшенов етказилган қил-
дан 4-бригада. Худойберди Да-
лашев раҳбарлик қилётган
1-бригадада яхши боришти.

А. МАМАСОЛИЕВ.

СССР 50 СОВЕТ ИТТИФОҚИ 50 ЯРИМ АСР МОБАЙНИДА

Мамлакатимиздаги барча миллат ва элат-
лар бирлиги, дўстлиги ва қардошлигининг
улуг байрами — Совет Социалистик Респу-
бликалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг
50 йиллиги яқинлашмоқда. СССР халқлари
ўтган ярим аср мобайнида коммунистик пар-

тия раҳбарлигида қаҳрамонона ғалабалар ва
ютуқларининг катта йўлини босиб ўтдилар.
Кўп миллатли социалистик давлатимизнинг
моддий-маънавий кучлари мисли қўрилмаган
даражада ўсиш ва мустақамланди.

Бутун «Правда» Совет Иттифоқида 50 йил
мобайнидаги ҳўжалик ва маданий қурилиш-

нинг баъзи яқунларини ёритувчи материал-
ларни эълон қилди. Рақамлар СССР Марка-
зий Статистика Бошқармаси юбилейга атаб
босишга тайёрлаган «СССР Халқ Ҳўжалиги»
(1922—1972 йиллар) статистика тўпламидан
олинди.

БИЗ — 247 МИЛЛИОН КИШИМИЗ

Совет Иттифоқида юздан
ошиқ миллат ва элат яшамоқ-
да. Жаҳонда биринчи соци-
алистик давлат граждандар
уруши ва интервенция маша-
қатли йилларини бошидан ке-
чирганлигига, Улуг Ватан уру-
шида 20 миллиондан ошиқ
яшайдиган маҳкум бўлганлиги-
га қарамай СССР аҳолиси мут-
тасил кўпайиб бормоқда.

1922 йил охирида СССР
аҳолиси 136,1 миллион киши
эди. Шу йилнинг ўрталарига
келиб 247,5 миллион ки-
шига етди. Барча итти-

фондор республикаларда, бар-
ча миллат ва элатларда
аҳоли анча кўпайиб бормоқда.
Шу миллат ва элатларнинг
кўплари революцияга қадар
қирғилиб йетишга маҳкум эди.
1972 йилнинг охирига бориб
аҳолининг кўпайиш нисбати —
207 миллион киши 83 процен-
тининг Улуг Октябрь Социалистик
Революциясидан кейин тугил-
ганлар ташкил қилди.

Коммунистик партия киши-
ларнинг соғлиги тўғрисида
ҳўрмай-томай ғамхўрлик қи-
лаётганлиги туфайли Совет

ҳокимияти йиллари мобайнида
аҳолининг умумий ўлими қар-
ийиб 3,5 баравар, болалар
нобуд бўлиши эса 11
баравардан зиёд қисқар-
ди. Умр кўриш чики бар-
авардан зиёд узайиб, 1913 йи-
лдан 32 ёш ўрнига ҳозир 70
ёшли ташкил этиди.

Мамлакатнинг аграр давлат-
дан қудратли индустриал дав-
латга айлантилиши илчи ва
хизматчилар сонини ҳамда па-
ҳар аҳолиси солиштирма сал-
моғининг кўпайишида ўз ифо-
дасини тошмоқда. 1922 йилда

ишчи ва хизматчилар 6,2 ми-
лليون киши бўлса, шу йил 94,9
милليون кишига етди. СССР
Иттифоқи ташкил этилган йил-
да 23 миллион киши ёки аҳо-
лининг 16 процентигина па-
ҳарларда яшарди. Ҳозир па-
ҳарларда 143,8 миллион ки-
шига етган, уларнинг аҳоли
жамии сонидан улуғи 58 про-
центида кўтарилган. 1926 йил-
дан 1972 йилгача 976 та па-
ҳар вужудга келтирилди, па-
ҳар тишидаги посёлкалар 2,272
тага кўпайди.

Пленум пахта терим ва тайёр-
лаш ҳақида СССР ташкил этил-
ганлигининг 50 йиллиги шарафига
област халқ Ҳўжалигининг барча
тармоқлари бўйича олинган соци-
алистик мажбуриятларнинг бажари-
лишини жадаллаштириш юзасидан
конкрет тадбирларни белгилаб,
қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Сие-
сий Бюроси аъзолигига кандидат,
Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитетининг биринчи секре-
тари Ш. Р. Рашидов пленумда
нутқ сўзлади.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД, 12 сентябрь.
(ЎзТАГ). Бутун бу ерда Самар-
қанд об-
ластдаги партия комитетининг
плениуми бўлди. Пленум қатнашчи-
лари «Совет Иттифоқи пахтакор
республикалари партия-ҳўжалик
активининг КПСС Марказий Коми-
тети Бош секретари Ўртоқ Л. И.
Брежнев иштирокида ўтказилган
йиғилиш яқунларини ва об-
ласт партия ташкилотининг вазифалари
тўғрисида» об-
ласт партия ташки-
лотининг биринчи секретари С. Н.
Усмонов докладини тинглаб, муҳ-
окама қилдилар.

Пленум пахта терим ва тайёр-
лаш ҳақида СССР ташкил этил-
ганлигининг 50 йиллиги шарафига
област халқ Ҳўжалигининг барча
тармоқлари бўйича олинган соци-
алистик мажбуриятларнинг бажари-
лишини жадаллаштириш юзасидан
конкрет тадбирларни белгилаб,
қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Сие-
сий Бюроси аъзолигига кандидат,
Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитетининг биринчи секре-
тари Ш. Р. Рашидов пленумда
нутқ сўзлади.

СУРИЯДАН МЕҲМОНЛАР КЕЛИШДИ

КПСС Марказий Комитетининг
тақлифига буюнган мамлакатимизга
келган Сурия Коммунистик пар-
тияси Хама губернаторининг об-
ласт комитетининг секретари
Юсуф Ал-Асад бошчилигидаги
Сурия Коммунистик партияси де-
легациясини Ўзбекистонда меҳмон
бўлиб турибди.

Сурия Араб Республикасидан
келган меҳмонлар Тошкентнинг
ҳаёти билан танишдилар. Улар Са-
марқандга, Сирдарё об-
ластига бо-
радилар.

Сурия делегациясини Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий Коми-
тетининг секретари Л. Р. Қўрбо-
нов қабул қилди. У дўстона суҳ-
бат чоғида меҳмонларга республи-
ка партия ташкилотининг фаоли-
яти тўғрисида, ҳўжалик ва маданий
қурилиш раҳбарлиги ҳақида сўз-
лаб берди. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАВЕРЛАШ ВА ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга ишбатаян процент ҳисобида)

Биринчи ступ — районлар, иккинчи ступ — бир кунда тош- рилган пахта, учинчи ступ — мавсум бошидан бери, туртин- чи ступ — бир кунда қилинган дефолиация, бешинчи ступ — мавсум бошидан бери.				
Бенқоб	0.52	2.01	8.9	57.6
Пискент	0.37	1.82	10.6	78.5
Янгийўл	0.37	1.59	9.7	37.9
Бўна	0.31	1.30	14.4	90.0
Ўрта Чирчиқ	0.89	0.99	11.0	78.2
Юқори Чирчиқ	0.05	0.11	10.7	66.5
Оқўрғон	0.08	0.08	12.1	82.9
Област бўйича	0.38	1.09	11.1	70.6

ИНДУСТРИЯ ОДИМЛАРИ

СССРда мисли қўрилмаган
қисқа муддат ичида улкан ик-
тисодий потенциал яратилиши
— социалистик ҳўжалик сис-
темасининг улугвор фазилат-
лари, партия ленинча бош
йўли тўғрилигининг ёрқин да-
лилдир. Моддий маблаг ва
куч-ғайратларнинг жамланган-
лиги, Совет халқларининг бе-
ғараз ўзаро ёрдами ҳар бир рес-
публика ва бутун мамлакат ик-
тисодий бойлигининг гойда ўси-
шини таъминлашга имкон бер-
ди.

1922 йилга нисбатан СССР
да ҳосил қилинган миллий да-
ромат ҳамми 1971 йилда 105
баравар кўпайди, шу йилги
план бажарилиши назарда ту-
тилганда эса 112 баравар кў-
пайди. Ҳар бир процент салмо-
қи анча «оғирлашган» ҳолда
унинг ўсиш суръатлари доимо



юксалишга қўлиб, ривожлан-
ган кўпгина капиталистик мам-
лакатлардаги миллий даромад
ўсиш суръатларидан ўзиб ке-
тмоқда. 1950 йилдан 1971 йил-
гача биздаги миллий даромад
5,6 баравар, АҚШда икки ба-
равар, Англияда 1,7 баравар,
Францияда 2,8 баравар, Ита-
лияда 2,9 баравар кўпайди.

Ҳозир СССРнинг миллий
бойлиги триллион сўмдан оша-
ди.

Саноат маҳсулотини умумий
ҳамми 1922 йилдагига нисба-
тан 1972 йилда 321 баравар,
шу жумладан ишлаб чиқариш
воситалари (А группаси), 822
ва истеъмол буюмлари (Б
группаси) 102 баравар кўпай-
ди.

Миллий даромаднинг ўсиши
(1922 й. 1).

Халқ Ҳўжалигини барча тар-
моқлари учун чинакам улкан
ўсиш характерлидир. Масалан,
1922 йилда мамлакат электр
станциялари 0,8 миллиард ки-
ловатт соат электр энергия
сид қилган бўлса, шу йил ҳо-
сил қилинадиган электр энер-
гия 863 миллиард киловатт со-
атга етди. Нефть қазиб чиқари-
лиш (шу жумладан газ кон-
центрат) қазиб чиқариш) 404
милليون тоннагача кўпайиб,
СССР ташкил этилган йилда-
гига нисбатан 87 баравар ор-
тик бўлади.

1922 йилда жаҳон саноат иш-
лаб чиқаришида Советлар
мамлакатининг ҳиссаси тахми-
нан бир процентни ташкил эт-
ган эди. Ҳозирда эса бу ҳис-
са бешдан бир қисминини таш-
кил этиди.

(Давоми 2-бетда).



ПРОПАГАНДИСТ ВА АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЯРИМ АСР МОБАЙНИДА

РАҚАМЛАР ВА ФАКТЛАР ТИЛИ БИЛАН

(Бош 1-бетда).

1971 йилда мамлакатимиз Америка саноат маҳсулоти даражасининг 75 процентдан ошганини ишлаб чиқарди. СССР билан АҚШ саноат ишлаб чиқариши даражалари ўртачада фарқ 1913 йилдаги нисбатан олти баравар қисқарди.

Ҳозирги вақтда Совет Итти-



Саноат маҳсулотининг ўсиши (1922 й.-1).

фоқи саноат маҳсулоти ўсиши йиллик ўртача суръатлари (1951—1971 йилларда 10 процент ва 4,2 процентни ташкил этди) жиҳатидангина эмас, кўпгина муҳим маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишининг мутлақ ўсиши жиҳатидан ҳам АҚШдан ўзбек кетди. 1971 йилда бизда АҚШдагига қараганда 20 процент кўп чул, 43 процент кўп ил-газлама, қарийб тўрт баравар кўп жун газлама, 56 процент кўп шакар ишлаб чиқарилди.

Советлар мамлакатини билан капиталистик дунёдаги энг кучли давлат ўртасидаги узиллиш нечоғлиқ тез қисқариб бораётганини кўриш мумкин. 1971 йилда СССРда саноат маҳсулоти 120,7 миллион тоннага етди. Бу рақам жаҳондаги ҳар қандай мамлакат эришган даражадан ҳам юқориқанди.

Совет Иттифоқи халқ хўжалигини реконструкция қила бошлаган пайтда машиналар ва ускуналарни четдан оларди. Чунки аслида унинг ўз машинасозлик базаси йўқ эди. 1922

йилда мамлакатда 0,3 минг тонна металл қирқувчи станок ишлаб чиқарилди. 1972 йил планига кўра эса 208 минг тонна шундай станок ишлаб чиқариш мўлжалланган. Шу йилнинг бошларида жами металл қирқувчи ва темирчилик преслаш машина ускуналари сон 4,5 миллион дондан ошиб кетган эди. Халқ хўжалигининг ўсиши, кооперация усулида маҳсулот етказиб бериш ҳамма йилнинг кўпайиши транспорт системаси соат механизмининг аниқ ишлашини таъқоо этади. Революциядан аввалги Россияда транспорт тармоқлари яхши ривожланмаган ва мамлакат территорияси бўйлаб ютеликсиз бўлиб қолган эди. Ўрта Осиё, Сибирь ва Узоқ Шарқ шу жиҳатдан айниқса оғир эди.

1922 йилда темир йўллар узунлиги 71,9 минг километр эди, ҳозир эса қарийб икки баравар ўзайиб, 135,4 минг километрга етди. Автомобиль транспортини ҳаво транспортга ва қувур транспортини янгитдан яратилди. 1922 йилда умумий фойдаланиладиган транспорт кўп обориоти жами ҳамма 28,2 миллион тонна километрини ташкил этган бўлса, шу йил у жуда катта рақамга-салкам 4,3 триллион тонна-километрга етди.

Штаб маблаглар 1186 миллион сўми ташкил этди. Ўшундан кўра 1972 йилдаги маблаглар 501 миллион сўмга етди. Совет ҳокимиятининг дастлабки 45 йилдаги капитал маблаглар суммасидан ошиб кетди. Шу йилги план бўйича мулк жалланган капитал маблаглар 1922 йилдаги ҳаммадан 372 баравар ошди.

Урушдан кейинги беш йилликларнинг ўзидagina капитал қурилиш ҳисобига катта-катта қувватлар ишга туширилди: 170 миллион киловаттлик электр станциялари, йилгига 544 миллион тонна кўмир қазиб чиқарувчи шахталар, йилгига 66 миллион тонна пўлат эритувчи домналар ишга туширилди ва ҳоказо. Бундан ташқари ишлаб чиқаришни интенсификация, технология процесслари

ва бошқа ташкилий-техникавий тадбирларни яхшилаш ҳисобига қувватлар оширилди.

Мамлакатда ҳар йили янги корхоналарнинг қурилиши, ён-моқда, реконструкция қилинган корхоналар фойдаланишга топширилмоқда. Ўтказилган беш йилликнинг биринчи йилдаёқ жами қиммати тахминан 83 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 400 дан ортиқ янги катта давлат саноат корхоналари, шунингдек, ишлаб турган завод ва фабрикаларда қўшдан-қўш янги цех ва корхоналар ишга туширилди.

Ҳар бир республиканинг ва соҳанинг беш йиллик қурилиш программаси тизим ва кенгдир. Шу билан бирга маъмурад корхоналарнинг реконструкция қилиш ва ҳоказо. Бундан ташқари қурултиришга асосий эътибор берилмоқда.

ФАН ВА ТЕХНИКА СОЦИАЛИЗМГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Социализм ғалабаси билан фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш ҳамда фан ва техникани ривожлантиришда барча илмий меҳнатчиларнинг актив қатнашлириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Барча Совет республикаларида фан тараққиёти илмий муассасалар ва надрларнинг ўсиши билан кўп жиҳатдан боғлиқ бўлди. Революцияга надар атиги 298 та шундай муассаса бор эди. 1971 йилга келиб 5307 тага етди. Шу жумладан 2648 та илмий-тадқиқот институтига, уларнинг филиал ва бўлимлари ишлаб турибди. Революциядан аввалги Россияда 11,8 мингта илмий ходим бор эди, эндиликда СССРдаги илмий ходимлар 1.002,9 минг кишига етди. Ўшунинг билан фан-техника илмий меҳнатчиларнинг қисминини ташкил этди. Ҳар бир иттифоқдош республиканинг ўз Фанлар академияси бор.

Илмий-техника тараққиёти суръатларини юксалтириш Совет Иттифоқи халқ хўжалигига хос бир хислатидир. СССРда биринчи марта яратилган янги типдаги машиналар, ускуналар, аппаратлар ва асбобларнинг намуналари 1951—1955 йилларда 4345 тага, 1956—1960 йилларда 12902 тага, 1961—1965 йилларда 23.178 тага, 1966—1970 йилларда 21.272 тага, 1971 йилнинг ўзидagina 3873 тага етди. Санкцион беш йилликда машинасозлик корхоналари эскириб қолган конструкциядаги 2476 та машина, ускуна, аппарат ва асбобларини ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, маълуматда қўлдан келтириш, автоматлашган ва комплекс автоматлашган цехлар ва корхоналар тобора

кўпайиб бормоқда. 1971 йилда 13.187 та шундай цех ва 4984 та шундай корхона бор эди. Қурилишда меҳнатнинг механизациялаштирилиши 1940 йилгига нисбатан ўн баравардан зиёд ортиди.

Саноатда меҳнатнинг энергия билан қурулганга янги революциядан аввалгисига нисбатан 27 баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалигида битта киловаттга ҳисобланган энергия билан қурулган 1971 йилда 12,1 киловаттга етди. Ҳар бир киловаттга 24 баравар кўп бўлди. Қишлоқ хўжалиги 1928 йилдаги 35 миллион киловатт соат ўрнига бултур 45.621 миллион киловатт соат энергия истеъмол қилди.

Турли меҳнат меҳнатнашарининг техника инновацияси фан-техника тараққиётига кўмак бермоқда. Очмавий рационализаторлик ва изобретчилик йилдан йилга ўсиб бормоқда. Таъкиф қилинган рационализаторлар ва изобретчилик соҳибдорлари 1950 йилдан 555 минг кишидан 1971 йилда 3709 минг кишига кўпайди. Ишлаб чиқаришга жиҳат этилган изобретчилик таъкифлари эса, 1950 йилдаги 655 мингтадан 1971 йилда 3478 мингтагача кўпайди.

Фан ва техника тараққиёти—коммунизм модий техника базасини яратувчи асосий омилдир. Иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари шунинг билан бир қаторда уларнинг маъмуран социализм, шаллан миллий маданияти ҳам барқ уриб яшамоқда. Революцияга аҳолининг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз бўлиб, кўпгина халқлар ўз ёзувларига ҳам оға эмас эдилар. Эндиликда СССР Иттифоқи Еппасига саводхон мамлакатдир. 1971—1972 ўқув йили бошида таълимнинг турли соҳаларида 80,2 миллион киши жалб этилди.

Сўнгги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда халқ хўжалигига банд бўлган ҳар минг кишидан умуман СССР бўйича 653 киши, РСФСРда 666, Украина СССРда 668, Ўзбекистон СССРда 663, Озарбайжон СССРда 674, Грузия СССРда 711, Арманистон СССРда 697, Туркменистон СССРда 682 киши билан ўрта (тула ва тўлиқ) таълим маълумотга эга. Умумий таълим мактабларининг сони ўтган 50 йил мобайнида 69 мингтадан 184 мингтага, олин маъмурият ўрта ўқув юртлари сони 1180 тадан 5071 тага етди. Революциядан илгари Россияда 12 та университет бор эди. Иттифоқдош республикалар кўпчилигининг территориясида эса биронта ҳам университет бўлган эмас. Эндиликда СССРда барча иттифоқдош республикаларда 52 та университет бор. Нуқда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ходимлар сони тобора кўпаймоқда.

1926 йилда уларнинг сони 3 миллион кишига ҳам етмас эди. Ҳозирги вақтда 30 миллион кишидан ошди.

Совет кишилари ўз ахтиёқларини тобора тулароқ таъминламоқда, яхшироқ ҳаёт кечирмоқда, яхши кийиниб, яхши оқатламоқда. Давлат ва кооператив савдосининг қанча товар обориоти жумладан бунга кўрсатиб турибди. Давлат ва кооператив савдосининг қанча товар обориоти 1928 йилдагига нисбатан 1971 йилда 16 баравар ошди ва аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 676 сумдан иборат бўлди. Москва, Ленинград, Харьков, Донбассда, Горький шаҳри, Свердловск ва Иваново областларидаги саноат ишчилари оиласида оғирлашган структурасининг ўзгарганлигини кўрсатувчи статистик маълумотлар шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Мазкур оилаларда 1922 йилдагига нисбатан 1971 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда юксак сифатли маҳсулотлардан гушт истеъмол қилиш 11 килограмдан 81,4 килограммга, сут маҳсулотлари 62,1 килограммдан 388,6 килограммга, қанд истеъмол қилиш 4,1 килограммдан 33,5 килограммга етди. Дехқонлар оиласининг оқсатларини структурасида ҳам худди шу қилда катта ўзгаришлар юз берди.

Халқ фаровонлиги—партия-мизнинг олий мақсадидир. Бу олий мақсад коммунистик қурилишнинг ҳозирги даврда эндиликда совет кишилари турмуш даражасини оширишга боғлиқ асосий вазифа. Халқ аҳолида кўпроқ бўйсундириш йўли билан амалга оширилди.

Совет кишилари ўз ахтиёқларини тобора тулароқ таъминламоқда, яхшироқ ҳаёт кечирмоқда, яхши кийиниб, яхши оқатламоқда. Давлат ва кооператив савдосининг қанча товар обориоти жумладан бунга кўрсатиб турибди. Давлат ва кооператив савдосининг қанча товар обориоти 1928 йилдагига нисбатан 1971 йилда 16 баравар ошди ва аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 676 сумдан иборат бўлди. Москва, Ленинград, Харьков, Донбассда, Горький шаҳри, Свердловск ва Иваново областларидаги саноат ишчилари оиласида оғирлашган структурасининг ўзгарганлигини кўрсатувчи статистик маълумотлар шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Мазкур оилаларда 1922 йилдагига нисбатан 1971 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда юксак сифатли маҳсулотлардан гушт истеъмол қилиш 11 килограмдан 81,4 килограммга, сут маҳсулотлари 62,1 килограммдан 388,6 килограммга, қанд истеъмол қилиш 4,1 килограммдан 33,5 килограммга етди. Дехқонлар оиласининг оқсатларини структурасида ҳам худди шу қилда катта ўзгаришлар юз берди.

Халқ фаровонлиги—партия-мизнинг олий мақсадидир. Бу олий мақсад коммунистик қурилишнинг ҳозирги даврда эндиликда совет кишилари турмуш даражасини оширишга боғлиқ асосий вазифа. Халқ аҳолида кўпроқ бўйсундириш йўли билан амалга оширилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЮКСАЛИШИ

Ишчилар ва дехқонлар ҳокимиятини қўлга киритгач, қолхоз ва совхозлар ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини социалистик асосларда қайта қуриш энг кўп ва зарур вазифа бўлди. Партия мана шу вазифани ҳал қилди. Ишчилар томонидан ривожланган оғир индустрияга сундан ва В. И. Ленин айтганидек, оғир индустрия дехқончиликни қайтадан тузиш учун база бўлди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг 32,3 хиссига қолхоз ва 15,5 хиссига совхоз бор. Қолхоз ва совхозлар механизацияланган катта социалистик корхоналардир. Масалан, бултур ўрта ҳисобда ҳар бир қолхозга 6,2 минг гектардан ер, 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 63 та трактор, 1332 бош қорамол ва асосий ҳамда оборот маблаглардан иборат салкам икки миллион сўмлик бўлимас фондлар тўғри келган эди.

Қишлоқ хўжалигига машина ва ускуналар етказиб бериш йил сайин кўпайиб бормоқда. 1971 йилда қишлоқ хўжалигининг трактор паркида 2046 мингта машина, 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда эса 4,5 миллионга машина бор эди. Дон қўшанилари 839 мингтага, юк автомобиллари 1243 мингтага етди.

Дала ва фермаларида машиналардан тобора кенгрок қўламда фойдаланилмоқда. Машиналар дехқон меҳнатини энгил-

лаштирди, ун янада серунум қилди. 1971 йилда СССРнинг бутун қишлоқ хўжалигида йиллик меҳнат унумдорлиги революциядан аввалги даврдагига нисбатан 5,4 баравар кўпайди. Соатлик иш унумдорлиги эса 6 баравардан зиёд ошди. Ер ҳайдаш, дон сеппи, чигит, қанд лавлаги уруғи ечиш, галла ва силосбоп экинларни ўриб-йиғиб олиш каби ишлар бугунги кунда тамомилан механизациялаштирилди. Қолхоз ва совхозлардаги соғин сирғиларида 64 процентги меҳнат, усулда соғинга ўтказилди, 71 процент қорамол фермаси ва 83 процент чўча фермасига водопровод ўрнатилган.

Қишлоқ хўжалиги механизация ва ўғит, гербицид моддалар етказиб беришни кўпайтириш, механизация ишлари кўламини кенгайтириш асосида тобора иттифоқлаштирилмоқда. Революцияга қадар минерал ўғит қарийб ишлатилмасди. 1940 йилда қишлоқ хўжалигига 3,2 миллион тонна (шартли бирлик) минерал ўғит етказиб берилган бўлса, 1971 йилда 50,6 миллион тонна минерал ўғит етказиб берилди. Бу миқдор ҳайдаладиган бир гектар ерда 2268 килограммдан минерал ўғит тўғри келганини билдиради.

Галла экинлари ҳосилдорлиги 1922 йилги гектар бошига 7,6 центнердан 1971 йилда 15,4 центнерга қадар, пахта ҳосилдорлиги эса 6,5 центнер-

дан 25,6 центнерга қадар ошди.

Сугориладиган ва захи қилинган ер майдонлари янча кенгайтирилди. Бултурги йилнинг маълумотларига кўра, сугориладиган ерлар жами майдони 11,5 миллион гектарга етди. Шу жумладан Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Қозғистон, Озарбайжон ва Украина республикаларида анча кўп ерларга сув чиқарилиди. Захи қилинган ерлар майдони 10,9 миллион гектарга етди. Ўтқизилган беш йиллик планига кўра, ерларни мелiorация қилиш ишларининг кенгайиши дехқончиликни табиат инкизишларидан тобора кўпроқ даражада ҳалос қилиб боради.

Мамлакатда қорамол боши анча кўпайди. Масалан, 1923 йилнинг бошларида қўшаниларнинг ҳамма категорияларида 41,8 миллион бош қорамол бор эди. 1972 йилда 102,4 миллион бошга етди.

Шу вақт ичида чўча туғи қарийб етти баравар кўпайди. Чорвачилик маҳсулдорлиги ҳам муттасил ошиб бормоқда. Дехқончилик ва чорвачиликда эришилган тараққиёт қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни тубдан қўпайтиришга имкон берди. Қишлоқ хўжалиги янги маҳсулоти 1922 йилдагига нисбатан 1971 йилда 4,8 баравар кўпайди.

ХАЛҚ ТУРМУШИНING ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Мамлакатимиздаги барча куч ва ресурсларнинг бирлаштирилиши модий неъматлар ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтириш ва улардан меҳнаткашлар турмушини яхшилаш учун тулароқ фойдаланиш мумкинлигини берди. Социализм даврида халқ фаровонлиги даражасини белгиловчи асосий омил—илмий даромаднинг ўсишидир. Илмий даромаднинг қарийб тўртдан уч қисми кишиларнинг модий ва маънавий ахтиёқларини таъминлаш учун сарфланган. Шунинг натижасида аҳолининг реал даромади тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Аҳолининг реал даромади революциядан илгариги даражасига нисбатан саноатда ва қурилишда ҳар бир ишлаб турган кишига ҳисоблаганда ўрта ҳисобда 8,3 баравар, ҳар бир дехқонга ҳисоблаганда қарийб 12 баравар ошди. Истеъмол молларини саноатда ишлаб чиқариш шу давр ичида 32,8 баравар кўпайди.

КПСС XXIV съезди меҳнаткашлар турмуши фаровонлигини анча оширишни тўғрисида қарар қилди. Съезд меҳнат халқини янада оширишни назарда тутиди. Аҳоли реал даромади ўсишининг тўғрисида уч қисмининг аҳолини таъминлаш ҳисобидан эришилган натижасини кўриш билан амалга ошириб келмоқда. Масалан, врачлар, ўқувчилар ва мактабга буюлар муассасалари тарафдорлари ставкасининг ва мансаб олавларининг 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб оширилиши бунинг кўрсатиби турибди. Ишчилар ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи йил сайин ошиб бормоқда. 1971 йилда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 126 сўм, тўловлар ва пенсиялар билан қўшиб ҳисоблаганда 170 сўм бўлди. Ўтган йили янгиномий фондлардан ажратилган туловлар ва имтиёзларнинг умумий суммаси 68,6 миллиард сўмга, аҳоли



Меҳнаткашлар реал даромадларининг ўсиши. (1913 й.-1).

МАДАНИЯТ БАРҚ УРИБ ЯШНАМОҚДА

Совет халқининг ишлаб чиқарувчи кучлари тез ривожланиб модий фаровонлигини ошиб, шу билан бир қаторда уларнинг маъмуран социализм, шаллан миллий маданияти ҳам барқ уриб яшамоқда. Революцияга аҳолининг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз бўлиб, кўпгина халқлар ўз ёзувларига ҳам оға эмас эдилар. Эндиликда СССР Иттифоқи Еппасига саводхон мамлакатдир. 1971—1972 ўқув йили бошида таълимнинг турли соҳаларида 80,2 миллион киши жалб этилди.

Сўнгги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда халқ хўжалигига банд бўлган ҳар минг кишидан умуман СССР бўйича 653 киши, РСФСРда 666, Украина СССРда 668, Ўзбекистон СССРда 663, Озарбайжон СССРда 674, Грузия СССРда 711, Арманистон СССРда 697, Туркменистон СССРда 682 киши билан ўрта (тула ва тўлиқ) таълим маълумотга эга. Умумий таълим мактабларининг сони ўтган 50 йил мобайнида 69 мингтадан 184 мингтага, олин маъмурият ўрта ўқув юртлари сони 1180 тадан 5071 тага етди. Революциядан илгари Россияда 12 та университет бор эди. Иттифоқдош республикалар кўпчилигининг территориясида эса биронта ҳам университет бўлган эмас. Эндиликда СССРда барча иттифоқдош республикаларда 52 та университет бор. Нуқда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ходимлар сони тобора кўпаймоқда.

1926 йилда уларнинг сони 3 миллион кишига ҳам етмас эди. Ҳозирги вақтда 30 миллион кишидан ошди.

Ҳозир адабиёт ва санъат асарлари, илмий китоблар илгари мисли қўрилмаган миқёсда етказилмоқда ва СССР халқлари тилидада нашр этилмоқда. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида жами 38,3 миллион қўшдан кўпроқ 2,4 миллиондан зиёд китоб чiqди. Бу китоблар 145 тилда, шу жумладан СССР халқларининг 89 тилида нашр этилди. 40 дан кўпроқ халқларда ёзув Улуг Оқтўбрдан кейин нуқдада келди. Мамлакатда 7,863 газетга, 5,966 журнал ва бошқа вақтда матбуот нашр этилмоқда.

Барча иттифоқдош республикаларда маданий-оқартув муассасаларининг кенг тармоқлари ривожда келтирилди. Ҳар қил турли кутубхоналарнинг сони революциядан илгариги даврдагига нисбатан 4,7 марта кўпайди ва 359,6 мингтага етди.

1922 йилда мамлакатда 868 кино установка бўлиб, булардан 181 қишлоқ жойларда эди. Эндиликда СССРда 157,1 минг кино установка бўлиб, булардан 133,1 мингта қишлоқ жойларда эди. Клубларининг сони 1922 йилдаги 12 мингтадан 1971 йилда 133 мингтага етди. Ҳар бир республиканинг ўз профессионал театрлари бор. Мамлакатда бундай театрларнинг сони 553 тага етди. 1971 йилда бадий ҳаваскорлик коллективларида 14 миллион киши қатнашди.

Тўғрисида беш йиллик СССР халқлари маънавий ҳаётининг янада барқ уриб яшашини учун кенг истиқбол очиб берди.

Яратувчилик миқёслари

Барча қардош республикаларда қурилиш ишлари кенг қувват билан соғирлашган яратувчилик кучини еркин намойиш этади. Мамлакатимиз ушунан бир қурилиш майдонига ўхшайди. Илгари қурилиш ишларида техникадан қарийб номиниш бўлмай ишлар несиқ маъмулларига олиб боришган бўлса, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида илгир техника ва домий ишчи надрларга сунувчи қувватли қурилиш индустрияси яратилди.

Ҳозир қурилиш салкам ўн миллион киши меҳнат қилипти. Қурилиш маълумотлар қурилиш индустриясининг замонавий техника билан таъминланганлигини характерлайди: 1971 йилда давлат қурилиш ташкилотларида 110 мингта экскаватор, 31 мингта скрепер, 109 мингта бульдозер, 128 мингта қўмак кўра ва бошқа кўп техника бор эди.

Совет Иттифоқи жуда катта қўламдаги капитал қурилиш мамлакатидир. 1918—1972



Капитал маблагларининг ўсиши (1922 й.-1).

йиллар мобайнида ишга туширилган жами асосий фондлар 1082 миллиард сўмга боради. Қурилиш ишлари суръати гондда тезлашганини ҳам айниқ ўтмоқ лозим. Масалан, шу йилги планга кўра ишга тушири-

лиши мўлжалланган асосий фондлар биринчи, иккинчи ва учинчи беш йиллик уч урч йилини қўшиб ҳисоблаганда тегишли кўрсаткичдан икки баравар ошди.

1918—1972 йилларда халқ хўжалигига сарфланган ка-

ҚАРДОШ ОИЛАДА

СССРдаги барча республикаларнинг экономикаси, социал-сиёсий ва маданий тараққиёти даражасини бир-бири билан тенглаштириш ва янада юксалтириш уларнинг тез суръатлар билан ва ҳар томонлама ривожланиш учун муҳим омил бўлди. Бизда эндиликда қолдоқ миллий чекка ўлка йўқ. Бу жойларда сод-савоисиз саноат ва маданий марказлари қад кўтарган.

Ўрта Осиё республикалари совет халқларининг қардош оиласида тарихан қисқа муддат ичида қолдоқликдан тарқиб сари улкан қадим кўтди. Масалан, 1922 йилдагига нисбатан 1971 йилда Ўзбекистон СССРда саноат маҳсулоти ҳамма 228 баравар, Қирғизистон СССРда 381 баравар, Тожикистон СССРда 500 баравар ва Туркменистон СССРда 130 баравар кўпайди. Қозғистонда индустрия қурилишларининг жуда катта программаси амалга

оширилди. Бу ерда капитал қурилишлар учун 1922 йилдаги 8 миллион сўм ўрнига 1971 йилда 5 миллиард 615 миллион сўм сарфланди. Қозғистонда саноатнинг кўпгина тармоқлари нуқдага келди. Ўтган йили 1922 йилдагига нисбатан 558 марта кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Заказказе республикалари индустрияни мислсиз даражада ривожлантиришга эришди. 1922 йилдагига нисбатан 1971 йилда саноат ишлаб чиқариши Грузияда 150 баравар, Озарбайжонда 62 баравар, Арманистонда 453 баравар ўси. Молдавия, Социалистик Республикаси аграр мамлакатдан тулал-яшнатган индустриал аграр мамлакатга айланди.

Унинг саноат маҳсулоти бир неча баравар кўпайди. Бундан ярим аср муқаддам республика территориясида электр қуввати деярли ҳосил қилинмасди. 1971 йилда эса Молдавияда 8,472 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилди.

Эндиликда қудратли, замонавий индустрияга эга бўлган Болтиқ бўйи республикалари олға қараб шаддам қадам қўйди. Миллий даромаднинг ўсиш суръатлари иттифоқдош республикаларнинг экономикаси тез ривожланиётганлигини кўрсатиб турибди. Кейинги ўн йил 1960—1971 йиллар мобайнидаги миллий даромад РСФСРда 2 процент, Украина СССРда — 206, Белоруссия

СССРда 238, Ўзбекистон СССРда — 210, Қозғистон СССРда — 223, Грузия СССРда — 202

